



**SIRDARYO VILOYATI EKOLOGIYA VA ATROF-MUHITNI
MUHOFAZA QILISH BOSHQARMASI BOSHLIG'INING
BUYRUG'I**

2022 yil "02" avgust

№ 1778h/t

Guliston sh

“Lavozimga tayinlash to'g'risida”

O'zbekiston Respublikasi Mehnat kodeksining 92 va 96 -moddalariga asosan, **buyuraman:**

1. JO'RABEKOV XUSAN MUSURMONQUL O'G'LI – Boyovut tumani Ekologiya va atrof-muhitni muhofaza qilish bo'limi 1-darajali davlat inspektori lavozimidan ozod etilib, 2022-yil 02-avgust kunidan boshlab, Xovos tuman Ekologiya va atrof-muhitni muhofaza qilish bo'limi boshligi lavozimiga tayinlansin.

2. Bosh hisobchi (U.Xudayshukurov)ga: X.Jo'rabekovga tasdiqlangan shtat jadvali asosida ish haqi belgilansin.

3. Xovos tuman Ekologiya va atrof-muhitni muhofaza qilish bo'limi boshlig'i lavozimiga xodim tayinlanganligi sababli, boshqarmaning 2022-yil 29-iyun kungi 138 sh/t-sonli buyrug'i o'z kuchini yo'qotgan deb hisoblansin.

Asos: Sirdaryo viloyati Ekologiya va atrof-muhitni muhofaza qilish boshqarmasini 2022- yil 01-avgust kungi Tanlov komissiyasining 4-son yig'ilish bayoni.

Boshqarma boshlig'i:

R.Ergashev

“ТАСДИҚЛАЙМАН”



Сирдарё вилояти
Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза
қилиш бошқармаси бошлиғи –
Танлов комиссия раиси

Р.Эргашев

2022 йил “ 01 ” август

**Сирдарё вилояти Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш
бошқармаси марказий аппаратида ўтказилган
Танлов комиссиясининг
4-сон йиғилиш баёни**

2022 йил “ 1 ” август

Гулистон шахри

- Раислик қилувчи:** - **Р. Эргашев** - Сирдарё вилояти Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси бошлиғи, Танлов комиссия раиси
- Кузатувчилар:** - **А. Абдувалиев** - Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги Сирдарё вилоят филиали вакили
- Иштирок этганлар:** - **Х.Пиров**- Давлат Экология кўмитаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги назорат бўйича инспекциясининг Худудий инспекциялар фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси бўлим бошлиғи
- Котиб:** - Сирдарё вилояти Экология ва атроф - муҳитни муҳофаза қилиш бошқармасининг Танлов комиссия аъзолари
- М.Шукурова**-Кадрлар бўйича бош мутахассис.
Танлов комиссияси котиби

Кун тартиби:

Сирдарё вилояти Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармасининг Ховос туман бўлимидаги бўш иш ўринларига vacancy.argos.uz сайти орқали эълон қилинган лавозимларга номзодларни очик танлов асосида саралаб олиш ҳамда номзодни тест ҳамда суҳбат жараёнларидан ўтказиш юзасидан олиб борилган ишлар натижалари тўғрисида

(Р.Эргашев, Б.Қудратов, Ш.Нуманов, У.Махаммадиев, ...Р.Эргашев)

Сирдарё вилоят Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси бошлиғи Р.Эргашев йиғилиш кун тартибидаги масала юзасидан йиғилиш қатнашчиларини таништирди.

Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги ҳамда Давлат экология кўмитаси ўртасида 2021 йил 14 июлда Давлат экология кўмитаси марказий аппарат, худудий

бўлинмалар, тизимдаги ташкилотлардаги вакант лавозимларга ишга қабул қилиш, ходимларни бошқа лавозимга ўтказишда танлов асосида саралаб олиш тўғрисида “Тартиб” тасдиқланган.

Ушбу “Тартиб” бўйича бўш лавозимларга оид маълумотлар агентликнинг www.vacancy.argos.uz сайти орқали Давлат экология қўмитаси ҳамда унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан жойлаштирилиб борилмоқда.

Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги Сирдарё вилоят филиали томонидан Сирдарё вилояти Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси мавжуд қуйидаги бўш иш ўринлари бўйича 2022-йилнинг 19-июль куни танлов эълон қилинган:

1: Ховос туман Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўлими бошлиғи; Эълон натижаларига кўра:

Ушбу лавозимга жами 12 нафар номзодлар томонидан аризалар келиб тушди.

Мазкур сайт орқали келиб тушган номзодларнинг мутахассисликлари ҳамда сайтда берилган малакавий талабларга номзодларнинг мазкур малака талаблари комиссия томонидан ўрганиб чиқилди.

Бўш иш ўринларига қўйилган малакавий талаблари бўйича жами 3 нафар номзод саралаб олиниб, 2022-йил 01 август куни бўлиб ўтадиган суҳбат жараёнига таклиф этилди. Иштирокчилардан 1 нафар номзод яъни, Камолов Умид суҳбатга келишдан бош тортганлиги сабабли суҳбат жараёнида иштирок этмади.

Сирдарё вилоят Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси томонидан 2022-йил 01 август куни соат 16:00да бўлиб ўтиши белгиланган суҳбат жараёнлари билан номзодлар таништирилди ҳамда суҳбат жараёнида 2 нафар номзодлар иштирок этди.

Суҳбат якунлари бўйича суҳбатда иштирок этган номзодлар ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги Сирдарё вилоят филиали вакили ҳамда Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси вакили томонидан Сирдарё вилоят Экология бошқармасининг Танлов комиссиясига нисбатан эътироз ҳамда шикоятлар билдирилмади.

Суҳбат жараёнлари Сирдарё вилоят Экология бошқармаси томонидан видеоёзувларга олинди.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда йиғилиш.

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Ховос туман Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўлими бошлиғи лавозимига номзод Х.Жўрабеков билан ўтказилган суҳбат жараёнида унга берилган саволларга номзод томонидан такдим этилган жавоблар қониқарли деб топилсин ҳамда мазкур лавозимга тайинлансин.

2. Мазкур йиғилиш баёни ижроси бўйича назоратни ўз зиммамда қолдираман.

Йиғилишни ёзиб борди:



М.Шукурова